Республикаси Хукуматининг карорлари узгариши билан кайтадан куриб чикилади ва кушимча келишув тузилади. «ИСТЕЪМОЛЧИ» томонидан ойлик лимит учун пул тулангандан кейин «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» сикилган табиий газ нархига узгартириш кирита олмайди.

2. Шартнома тузилган вактда сикилган табиий газнинг хар бир метр куби ККС билан биргаликда 2 500,00 (икки минг беш юз) сумни ташкил килади.

3. Етказиб бериладиган сикилган табиий газ учун туловлар куйидагича амалга оширилади:

- Шартноманинг 1 бандида курсатилган лимитнинг 1 (бир) ойлик микдоридаги суммасининг 100 % ни сикилган табиий газни олишдан олдин 5 (беш) банк кунигача пул кучириш йули билан тулаб беради;
- «ИСТЕЪМОЛЧИ» томонидан охирги хисоб китоб туловлар хисобот ойи тугангандан кейинги ойнинг 10 санасига кадар амалга оширилади;
- «ИСТЕЪМОЛЧИ» томонидан шарномма шартларида курсатилган туловлар уз вактида амалга оширилмаса «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» томонидан сикилган табиий газ етказиб бериш тухтатилади;
- «ИСТЕЪМОЛЧИ» томонидан асоссиз равишда таркатиш ведомости ёки солиштирма далолатномага имзо куймаслик «ИСТЕЪМОЛЧИ»ни ушбу шартнома шартларида курсатилган мажбуриятлардан озод килмайди.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1. «ИСТЕЪМОЛЧИ» газ тулдириш балонлари (ускуналари) билан жихозланган автотранспорт воситалари ишлатиш пайтида техник холати ва хавфсизлик чоралари, шунингдек ёнгин, санитария ва экологик хавфсизлигига риоя килиш учун тулик жавобгардир;

2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» мажбуриятлари:

- Автотранспорт воситасининг сикилган табиий газдан фойдаланиш ва сикилган табиий газ тулдириш балонлари (ускуналари)ни ишлатиш буйича амалдаги коидалар, сертификатлар, курсатмалар ва коидаларга риоя килади;
- Автотранспорт воситасига урнатилган сикилган табиий газ тулдириш балонларини (ускуналари)ни ва бошка керакли ускуналарни техник соз холатини таъминлайди;
- Урнатилган тартибда автотранспорт воситаларига сикилган табиий газ тулдириш буйича рухсатномани олади;
- Йул варагига автотранспорт воситасига урнатилган сикилган табиий газ тулдириш балонларининг (ускуналари) техник соз холати ва сони буйича маълумотнома киритади;
- Автотранспорт воситасига урнатилган сикилган табиий газ тулдириш балонларининг геометрик улачамларининг аниклиги 0,5 литргача курсатилган холда автотранспорт воситасининг техник паспортига хамда автотранспорт воситасини махсус ёзувли белгилар билан таъминлайди.